



МЕЛИОРАТИВ ТЕРМИНЛАРНИНГ СЕМАНТИК УСУЛ БИЛАН ЯСАЛИШИ

*Омонова Махфурат Келдияровна,
Қарши Давлат университети “Лингвистика” кафедраси мудири*

Калим сўзлар: семантик усул, термин, терминологик лексика, биримма терминлар, сўз ясалиши, сўз ясалиши, қўшима терминлар, таркибли термин, таркибли ном, грамматик қонуниятлар, изоҳли лугат, мелиоратив терминлар, ном кўчиши, метафора, метонимия, синекдоха, бош маъно.

Семантик усул билан термин ясалиши ўзбек тилшунослигига ҳалигача алоҳида бирорта тадқиқотнинг обьекти бўлган эмас. Бу усул билан термин ясалиши ҳақидаги дастлабки қайдлар проф. С.Иброҳимовнинг “Фарғона шеваларининг касб – хунар лексикаси” номли монографиясида ўз ифодасини топган [1]. Мазкур олимнинг бу соҳадаги хизматига Р. Дониёров ўзининг “Ўзбек илмий техник терминологиясининг айрим масалалари” номли монографиясида алоҳида саҳифалар бағишлагани сабабли, биз бу ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топмадик [2,76-72].

Р.Дониёров юкорида эслатилган ишида семантик усул билан термин ясалиши ҳисобига ўзбек тили техникавий терминологиясининг бойиш манбаларига алоҳида тўхталган. Муаллиф умумистеъмолдаги сўзлардан ясалган терминларни тўрт мавзувий гурухга ажратади: 1. Одам ёки ҳайвон аъзоларининг номлари асосида. 2. Уй – рўзгор буюмлари номлари асосида. 3. Маиший нарса–буюм номлари асосида. 4. Номашинавий техникага оид терминлар [2,73-79] асосида ясалган терминлар.

Семантик усул билан термин яратишга оид изчил қайдларни С.Усмоновнинг “Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари” номли ишида учратамиз. Муаллиф умумистеъмолдаги сўздан семантик усул билан термин ясалишига тўхталар экан, “термин сўзининг қўшимча қўлланадиган асосий (бош) маъносигагина таянмайди, балки қўчма (ёки ясама) маъноларига ҳам асосланади”, - деб кўрсатади [3,11]. Маълумки, ном кўчиш орқали ясалган

терминлар фақат туб терминлардангина иборат эмас, бу ҳолатни С.Усмонов ҳам қайд этади: “Термин мураккаб тузилган бўлса, унинг бир ёки бир неча элементи кўчма маънода бўлиши мумкин: масалан, анатомия соҳасида мия пўсти майдонлари термини таркибидаги пўст ва майдон сўзлари кўчма маънода қўллангандир” [3,7].

Муаллиф бу ишида семантик усул билан термин ясалишида метафорик ном кўчишининг кўпроқ учрашини тўғри кўрсатган. Метафорага: қўлтиқ (залив), бурун (мыс), чанг (пыльца); метонимияга: қоракўл, модель, токай, Ом, ампер; синекдохага: тери маъносини англатган қоракўл, тулки, қундуз.

Тилшунос Н.Маматов пахталилк терминологиясида лексик-семантик усулда термин ясалишини бешга бўлади: шаклий ўхшашилик, функционал ўхшашилик, хусусиятдаги ўхшашилик, жойда ўхшашилик асосида, жами предметларга хос тушунча, жараён ва ҳаракатларни жонсиз предметларга ўхшатиш асосида амалга ошишини таъкидлайди. Муаллиф бу ўринда лексик-семантик усул билан ном кўчишини яна усуулларга ажратади [4,10]. Бизнингча, лексик-семантик усул билан термин ясалиши йўллари деб изоҳласа мақсадга мувофиқ бўларди.

Булардан ташқари, ўзбек терминологиясининг айрим соҳалари юзасидан олиб борилган тадқиқотларда мазкур усул билан термин ясалишига ўёки бу даражада алокадор ўринлар бор. Масалан, Н.Т.Хотамовнинг адабиёт-шунослик терминларига бағишиланган ишида парда, воқеа, банд, тугун, кўринини



каби терминларнинг семантик усул билан ясалганлиги таъкидланган [5].

С.А.Азизовнинг ўзбек тилининг мусиқа терминологиясига бағишиланган ишида чолғу асбоблари ва уларнинг деталлари номларининг инсон ва ҳайвон аъзоларига ўхшашлик асосида қулоқ, қовурға, бўйин, тилча; уй-рўзғор қуроллари ва буюмлари номлари асосида қошиқ, калит, қопқоқ каби терминлар семантик усул билан ясалганлиги тўғри санаб ўтилади. Муаллиф антропоним ва топонимлардан ясалган *Дугоҳи Ҳусайнӣ*, *Андижон полькаси*, *Самарқанд ушишоги*, *Хоразм лазгиси* каби синтактик усул билан ясалган терминларни ҳам негадир семантик усул билан ясалган терминлар қаторига киритади. Булардан ташқари, ёғоч най, ипак тор, мис парда, мис карнай бирикма терминларни ҳам шу гурухга киритади. Уларнинг семантик усул билан ясалган терминларга ҳеч қандай алоқаси йўқ [6,18].

А.И.Қосимовнинг доришуносликка оид ишида беҳи, анор, зубтурум, равоч, наъматак, шолғом, ҳантал, раҳixon, аччиқтош, мўмиё, гил, оҳак, темир, туз, новшадил, мис, руҳ, кумуш, асал, балиқ уруги, от ёзи, қимиз, балиқ мойи, чўчқа ёзи, айиқ ёзи кабилар лексик-семантик усул билан ясалган терминлар деб нотўғри кўрсатилиди [7]. Тўғри, улар умуристеъмолда ҳам, терминологияда ҳам бир хил қўлланади. Лекин, бу далилнинг ўзи уларни лексик-семантик усул билан ясалган терминлар қаторига қўшишга ҳукуқ бермайди. Улар фармацевтика терминологиясига умуристеъмолда қандай бўлса, шундай ўтган. Аслида, бу сўзлар ўз маъноси билан доришуносликка ўзлашган холос.

М.В.Қосимова юридик терминологияда семантик усул билан ясалган терминларни уч типга ажратади: 1) умуристеъмолдаги сўзларнинг терминлашуви; 2) умуристеъмолдаги сўз ва сўз бирикмаларининг маҳсуслашуви; 3) қадимда ўзбек тилида мавжуд сўзларнинг семантик ўзгариши. Муаллиф бу типларнинг ҳар бири ҳакида алоҳида тўхталар экан, уларнинг ҳар бирига чегара

кўя олмайди. Натижада, биринчи типга киритилган иши, сўроқ каби терминларни иккинчи тур терминлар қаторида яна қайта санаб ўтади [8,13-14].

Юқоридагилардан кўринадики, ўзбек тилшунослигидаги мавжуд ишларда семантик усул билан термин ясалиши зарур даражада ёритилган эмас. Бу масалага алоқадор қайдлар ғоят умумий тарзда бўлиб, далилларни қайд этишдангина иборатдир. Натижада, семантик усул билан термин ясашнинг назарий ва амалий томонлари ўз ифодасини топганича йўқ.

Кузатишлардан маълумки, ҳар бир тилнинг терминологияси мазкур тилнинг умумий қонуниятлари асосида шаклланади. Унинг пайдо бўлиши кишилик жамияти тарихи билан узвий боғлиқ. Кишилик жамияти аъзолари ўртасида меҳнат тақсимотининг юзага келиши билан терминологиянинг дастлабки куртаклари пайдо бўлган. Албатта, у пайтларда терминологик лексиканинг умуристеъмолдаги лексикадан фарқли томонлари сезилмас даражада бўлган.

Инсоннинг объектив борлиқ ҳақидаги тушунчасининг чуқурлаша бориши, унинг моддий бойликлар яратиш мақсадида табиатга актив аралашуви, ишлаб чиқариш воситаларини мунтазам равишда такомиллаштира бориши янги ва янги номларнинг пайдо бўлишига, бу эса ўз навбатида терминологик лексиканинг умуристеъмолдаги лексикадан ўз хусусиятлари эътибори билан фарқланишига олиб келган.

Меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг маълум соҳалари билан шуғулланувчи кишилар гурухини вужудга келтириб, мазкур соҳанинг ривожланиши билан бир қаторда фақат шу соҳанинг ўзи учунгина хос предмет ва тушунчаларнинг маълум қисмигина жамият аъзоларининг кундалик турмушида аҳамиятга молик бўлган. Қолганлари эса, фақат соҳа кишиларининг муомаласида қўлланган.

Хозирги кунда ҳар бир терминологик система лексикаси таркибида умуристеъмолга хос сўзларни учратиш



мумкин. Уларнинг маълум қисми умумистеъмолда қандай маънода бўлса, шу маънода кўлланади, маълум қисми эса терминологияда бошқа маъно касб этган. Эътибор берилса, ҳар бир терминосистемада мавжуд энг асосий тушунчаларниң номи бўлган терминлар умумистеъмолдан ўзлашгандир. Масалан, мелиорацияниң асосий тушунчалари бўлган *сув, дарё, дренаж, коллектор, зах, зовур, денгиз, кўл, қудук, муз, ботқоқлик, қор* кабилар умумистеъмолдаги маъноси билан ўзлашган. Шунинг учун ҳам академик В.В.Виноградов, “Ҳар қандай фан халқ тафаккури ва нутқи эришган натижалардан бошланади, кейинги ривожланиш жараёнида ҳам халқ тилидан ажралмайди”, - деган эди [9,165].

Терминологияниң халқ тили билан боғлиқ эканлигини турли терминосистемаларда мавжуд семантик усул билан ясалган терминларда ҳам кўриш мумкин. Бу усул билан термин ясалиши умумистеъмолда маълум предмет ва ҳодисанинг номи бўлган сўзни терминология соҳасидаги бирор предмет ва ҳодисанинг номи сифатида қўллашда акс этади. Чунки, ўз моддий ишлаб чиқариши ва моддий муносабатини ривожлантираётган кишилар шу ўз воқелиги билан бирга тафаккурини ва ўз тафаккурининг маҳсулини ҳам ўзгартирадилар. Натижада, инсоннинг меҳнати билими ва фаолияти натижасида пайдо бўлган сўз ҳам унинг тафаккури таъсирида ўзгаришга учрайди ва полифункционаллик хусусиятига эга бўлади. Масалан, мелиорацияда *остона, чўйчи, оғиз, қанот, ёстиқ, чалпак, тароқ, қўлтиқ, бурун, елка, тиши, қўл, қулоқ* кабилар.

Булардан кўринадики, терминологик лексиканинг умумистеъмолдаги лексика билан алоқаси жуда қадимга бориб тақалади.

Бир лексик бирликнинг ҳам умумистеъмолда ҳам терминологияда қўлланиши ўз-ўзидан сўз-ном ва терминнинг ном тушунчалари билан иш кўришга олиб келади. Уларни шакли ва денотат билдириши нуқтаи назаридан икк

гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухга шакл жиҳатидан ҳам, денотат билдириши жиҳатидан ҳам фарқ қилмайдиган сўз-ном ва термин-номларни киритиш мумкин. Улар орасида денотат жиҳатидан фарқ бўлмаса ҳам, тушунчавий мазмун планига кўра маълум фарқларни англаб олиш мумкин. Бунга ишонч ҳосил бўлиши учун “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ҳамда F.O.Мавлонов, F.P.Рашидовларнинг “Гидрология ва инженерлик геологиясига оид изоҳли лугат”идан *дарё* сўзига ва терминига берилган изоҳларни солишитириб кўришнинг ўзи кифоя “Манбадан қўйилиши жой томон доимий равишида оқиб турадиган катта сув” (ЎТИЛ, I, 210), “...сойликдан оқиб ўтадиган ва анча катта, узунлиги бир неча км дан минг км гача бўлган сув оқими. Дарё оқим характерига кўра доимий ва вақтинча (мавсумий, даврий), таъминланиши характерига кўра – ёмғир, қор, музлик, ер ости ва аралаши омиллар ёрдамида ҳосил бўлади; шаклланиши шароитлари бўйича текислик, тоз, ботқоқ, карет дарёларига бўлинади” (ГИГЛ, 158).

Келтирилган изоҳлардан кўринадики, сўз-номнинг тушунчавий мазмуни бирмунча умумий ва мавхумдир. Термин-номнинг тушунчавий мазмуни эса конкретликка эга, унда предмет-ҳодисанинг яшаш тарзи, қонуниятлари, бошқа предмет-ҳодисалар қаторида тўтган ўрни ҳамда муносабати акс этган. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, предметнинг илмий-амалий жиҳатдан ўрганилиши унинг умумистеъмолдаги тушунчавий мазмунига ҳам маълум ўзгаришлар киритади. Шаклан бир хил, аммо денотат билдиришига кўра фарқ қиладиган сўз-ном ва термин-номлар иккинчи гурухга мансубдир, яъни улар бошқа-бошқа нарсаларни англалади.

Термин-номлар остида англашилган денотатнинг бошқа бир денотат билан алмаштириш ҳисобига ясалган, шунинг учун ҳам улар лексик-семантик усул билан ясалган терминлар қаторига киритилади.



В.П.Даниленко ҳам биринчи гурухга бир вақтнинг ўзида умумистеъмолдаги сўз, фан-техника соҳасидаги термин сифатида қўлланувчи номларни киритади ва уларн умумистеъмолда ҳам, терминологияда ҳам бир денотатни билдириши, факат маъно типлари, мазмун ва ахборот сифимдорлиги билан фарқ қилишини айтиб ўтади [10,23-24]. Ю.С.Степанов сўзнинг семантик ривожланиши тилнинг воқеликни метафора ёрдамида ўзлаштириш ва илмий тушунчалар орқали билиш ва тушунтиришдан иборат икки функцияси эҳтиёжига бўйсундирилганлигини таъкидлаб, унда икки йўналиш борлигини шундай ифодалайди, “Бир томондан, денотатларнинг алмашуви рўй беради, бу жараён асосида метафора ётади. Бошқа томондан эса сўз маънолари системаси билан илмий тушунчалар системасининг узвий алоқаси туфайли сигнifikatларнинг мазмуни доимий равишда чуқурлашиб боради” [11,23].

Муаллиф фикрларини давом эттириб, сўзнинг ўз маъноси асосида кейинги маъноларнинг ривожланиши оқибатида термин вужудга келиб, мазкур сўзнинг омонимлари пайдо бўлишини таъкидайди.

Ҳозирда миллый тилларнинг изоҳли луғатларида сўзларнинг терминологик маъноларининг ҳам алоҳида белгилар билан қайд этилаётгани Ю.С.Степановнинг фикрларини тўла тасдиқлади. Биз мелиорация терминологиясида лексик-семантик усул билан ясалган терминлар таҳлилига киришишдан, термин ясалиши ҳақида тўхталишдан олдин, умуман, лексик-семантик усул билан термин ясалиши механизми ҳақида, унинг юзага келишида етакчи роль ўйнайдиган экстравангвистик, психолингвистик ва лингвистик омиллар ҳақида тўхталиб ўтамиш.

Объектив воқеликдаги нарса-ходисаларни билишда материалистик диалектиканинг муҳим категорияларидан бўлган айримлик, умумийлик етакчи ўрин тутади. Предметларни билиш эса номлашга олиб келади. Лексик-семантик усул билан ясалган терминлар ҳам

номлашнинг маҳсули сифатида мавжуд. Айримлик ва умумийликнинг диалектик бирликда мавжудлиги лексик-семантик усул билан термин ясалишида ҳам зоҳир бўлади.

Предметлардаги фарқли ва умумий белгилар, хусусиятлар инсон томонидан объектив воқеликни онгли равишда ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Инсон теварак-атрофни кузатар экан, унинг фаолиятида биринчи марта учраган предмет-ходисалар ўз белги-хусусиятлари билан унга илгаригидек ўз фаолияти ва тажрибаси орқали таниш предметларнинг белги-хусусиятларини ҳам, табиатан шу белги-хусусиятларга эга бўлган предмет номини ҳам эсга туширади. Энди инсон янги учраган предметга янги ном излаб ўтирайди, балки ўхшаш белги-хусусиятлардаги умумийлик аслида эсга тушган ном билан атайверади. Предметлардаги ўзига хос хусусиятлар айримликни акс эттириб, бир ном остида турли денотатларнинг номланишини таъминлайди. Бу жараёнда психолингвистик омил, тасаввурнинг хизмати каттадир.

Маълумки, онгнинг зарур элементи бўлган тасаввур “тушунчаларнинг маъно ва мазмунини доимо нарсаларнинг образи билан боғлайди ва айни вақтда онга предметларнинг ҳиссий образлари билан эркин равишда иш кўриш имконини беради” [12, 474]. Тасаввурнинг бир вақтнинг ўзида ҳозирга ҳам, ўтмишга ҳам, келажакка ҳам тааллукли бўлиши мумкинлиги унинг хотира ва хаёл кўринишида намоён бўлишига олиб келади. “Хотира – индивиднинг олам билан ўзаро таъсири натижаларини сақлаб қолиши, бу сақлаб қолиш мазкур натижаларни кейинги фаолиятда қайта ҳосил қилиши ва улардан фойдаланиши (таъкид бизники – М. О.), имконини беради” [113,547].

Бу фикрларни бизнинг текшириш объективизга боғласак, хотира тасаввури лексик-семантик усул билан термин ясалишига туртки беради. Бошқача айтганда, инсон предметларни билишда танишдан нотанишга ўтганидай, уларни



номлашда ҳам танишдан нотанишга ўтиш қонуниятига асосланади. Буни биз денгиз ва океанларда яшовчи ҳайвон ва жониворларнинг қуруқликдаги ҳайтдан маълум ҳайвон ва жониворларнинг номлари билан аталганида кўрамиз, *денгиз мушуги, дengiz сигири* каби. Ҳатто, уларга *денгиз мундиси* каби уй-рузғор буюми номи берилганига ҳам гувоҳмиз.

Лексик-семантик усул билан термин ясалиши хотира тасаввuri билан хаёл тасаввурининг ҳамкорлигига воқе бўлиши мумкин. Бунда ҳайт тажрибаси асосида янгидан яратилган предметлар номланган бўлади, яъни ўз номига эга бўлган предметларнинг белги-хусусиятлари, функцияси асосида янгидан яратилган предметлар ифодаланиб, маълум маънода ижод маҳсули сифатида баҳоланиши мумкин. Бугунги кунда турли машина-механизмларнинг деталларига, иш органларига уй-рузғор буюмларининг номи берилганини кўрамиз. Масалан, *пичоқнинг қирқиши* ва кесиш функцияси асосида культиваторнинг бегона ўтларни қиркувчи, ерни юмшатувчи иш органи яратилгани ва унинг *пичоқ* деб номлангани шундан далолат беради. Солиштилинг: *Пичоқ – дастага ўрнатилган ясси ва узун тигли рўзғор асбоби* (ЎТИЛ., 1, 589-590); *Пичоқ – қишилоқ хўжалиги машина-қуролларининг тупроқ, ўсимлик поялари, барглари ва палакларини қирқадиган иш органи* (ҚХТЛС, 311). Унинг (*пичоқли барабанинг* – М.О) ташқи сиртига рандалаши *пичоқлари* маҳкамланган (ҚМЛУ, 263).

Лексик-семантик усул билан термин ясалиши нолингвистик ҳодисалардан, асосан, метафора ва метонимия кузатилади. Метафоранинг кенг тарқалганлиги, метонимиянинг нисбатан кам кузатилиши терминга қўйиладиган аниқлик талабига бўйсунади.

Метафора – икки предмет ва ҳодисадаги ўхшаш белги-хусусиятлар асосида бир номнинг иккинчи предмет ва ҳодисага кўчишидир. Бунинг объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Бу жараён ҳамиша икки эҳтиёж таъсирида, яъни янги предметга ном бериш зарур бўлганда ёки

маълум предметга ном бериш ўз муносабатимизни ифодалаш зарурияти туғилганда воқе бўлади. Объектив омил ҳам, субъектив омил ҳам тилда қадимдан амал қилиб келган ҳодисадир. Объектив омил маҳсули сифатида вужудга келган метафора терминологиянинг мақсад ва вазифалари бўлган метафора публицистик, бадиий ҳамда сўзлашув стилининг мақсад ва вазифаларига хизмат қиласди.

Объектив омил таъсирида юзага келган метафорик ном кўчиши орқали ясалган терминларда (умуман, сўзларда ҳам) образлилик сўнган бўлади. Чунки уларнинг функцияси предметнинг, тушунчанинг тилдаги ифодаси бўлиши билан чегараланади. Субъектив омил таъсирида пайдо бўлган метафорик ном кўчиш нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, нутқ предметига нисбатан субъектнинг муносабатини ифодалаш каби коннотатив маъноларни бирлаштиради. Шу хусусиятлари билан улардан бири номига эга бўлмаган предметни номлагани учун тил бирлиги сифатида қарор топади, иккинчиси эса ўз номига эга бўлган предметни қайта номлагани учун нутқнинг мулки бўлиб қолади.

Мелиорация терминологиясида метафора асосида ном кўчиши орқали лексик-семантик усул билан ясалган терминлар ҳам мавжуд. Бундай терминлар дренаж, коллектор, мелиорация қурилмалари, зах қочириш зовурлари, сув иншоти ва сув йўллари билан боғлиқ жараёнларда кўплаб ишлатилади. Уларнинг номланиш характеристига кўра кўйидаги мавзувий гуруҳларга бўлиш мумкин: 1. Киши аъзолари номлари асосида: *бурун, бўғиз, томоқ, қовоқ, қўл, қулоқ, қўлтиқ, адoқ (оёқ), тирсак, елка, қовурга, тиши, тил, ва бошқалар*. 2. Уй-рузғор буюмлари номлари асосида: *тароқ, нина, коса, ёстиқ, тўшиак, ойна ва бошқалар*. 3. Озиқ-овқат номлари асосида: *чалтак, ёз, в.б.* 4. Кийим-кечак номлари асосида: *чўнтак, ёқа, этак, в.б.*

Бундан ташқари, мелиорациянинг бир соҳасига оид терминларнинг бошқа соҳасига метафора асосида ўтиши ҳам мавжуд. Масалан, қуруқлик



мелиорациясига оид терминларнинг гяциологияда қўлланишини кузатиш мумкин: *музлик ирмоги, музлик ўзани, музлик шаршараси* каби. Ёки мелиорация соҳаси термини *нов* океанологияда океан остидаги узун чўзилган чуқур ботиқларни англатади.

Сув сўзининг умумистеъмолдаги асосий маъноси ичимлик учун ярайдиган қишлоқ хўжалик экинларини сугорища ишлатиладиган суюқликни ифода этади. Маълумки, сув ўзининг маълум манбаларига эга (масалан, ариқ, кўл, денгиз, булоқ, в.б.). Кейинчалик метонимик кўчиш асосида сувнинг доимий харакатланиш ўрни билан ифодалаш учун ҳам сув сўзидан фойдаланилади. Бу холатни халқ тилида ҳам тез-тез учратамиз; сув ёқалаб (ёки бўйлаб) бордим. Сувнинг бундай маънода қўлланиши луғатларда ҳам қайд этилган: сув *келтирилган* биримаси орқали

сугориш учун ариқ қазиб сув келтириш маъносида англашилади. Шуни қайд этиш ўринлики, сувнинг бундай маънода қўлланиши бошқа туркий тилларда ҳам мавжуд. Рус номшуноси, географ Э.К Мурзаев туркий тилларда сув лексемасининг “арик, кўл” маъноларида ишлатилишини [14,884] аниқлаган.

Хуллас, ҳар бир соҳавий терминологияда, хусусан, мелиорация терминологиясида ҳам семантик усул билан термин ясалиши психолингвистик (рухий-лисоний) омиллар – хотира ва хаёл тасаввури иштирокида воқе бўлиб, унда объектив борлиқ, предмет ва ҳодисаларидағи умумий ва айrim жиҳатларнинг диалектик бирлиқда ва қарама-қаршиликда мавжудлиги, шу билан бирга, инсоннинг объектив вокеликни билиш, амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда ўзлаштириш йўлидаги тажрибаси акс этади.

Адабиётлар:

1. Иброҳимов С.Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. –Тошкент, 1959. – 284 б.
2. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. –Тошкент: Фан, 1977. – 157 б.
3. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – 69 б.
4. Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология. Автореф. дисс... канд. филол. наук . –Ташкент: Наука, 1955. – 27 с.
5. Хотамов Н.Т. Развитие узбекской литературоведческой терминологии. Автореф. дисс... канд. филол. наук . –Ташкент: Наука, 1965. – 27 с.
6. Азизов С.А. Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка. Автореф. дисс... канд. филол. –Ташкент: Наука, 1981, С.18.
7. Қосимов А.И. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук . –Ташкент.
8. Касымова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ташкент: Наука, 1985. – 27 с.
9. Виноградов А.А. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М.: 1977. – 165 с.
10. Даниленко В.П. Русская терминология. – М.: Наука, 1977. – 146 с.
11. Степанов Ю.С. Основы общего языкоznания. 2-е издание. – М.: 1977. – 123 с.
12. Философия луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1976. –474 с.
13. Басқаков Н.А. Географическая номенклатура в топонимике Горного Алтая. – В сб.: Топонимика Востока. –М.: Наука, 1969, – С.66- 72.
14. Мурзаев Э. К географической терминологии туркмен. –“Известия государственного географического общества”, –Ташкент: 71 вып. 6. 1939. – С.884-889.



Омонова М. Семантический способ образования мелиоративных терминов. В данной статье изучается образование терминов в сфере мелиорации способом семантического образования. Рассматриваются и сопоставляются лексико-семантические способы образования мелиоративных терминов, а также изучается важность психолингвистических и диалектических факторов при образовании мелиоративных терминов.

Omonova M. Semantic ways of formation of the reclamation terms. The article deals with the semantic ways of formation of the reclamation terms. Lexico-semantical ways of formation of the reclamation terms are investigated and compared, as well as psychological and dialectic features are researched in the formation of reclamation expressions.